

Ўзбекистон Республикаси номидан
Ҳ У К М

2022 йил июнь ойининг 6-куни, жиноят ишлари бўйича Марғилон шаҳар суди, Марғилон шаҳар “Милтиқсоз” маҳалла фуқаролар йиғини биносидан, очик сайёр суд мажлисида, раислик қилувчи судья Ш.Каримов, Ҳ.Омоновнинг суд мажлиси котиблигида, тарафлардан Марғилон шаҳар прокурорининг ёрдамчиси Н.Қобилжонов, судланувчи М.Фозилов ва унинг ҳимоячиси М.Мўйдиновнинг иштирокида, Фозилов Махмутжон Махаммаджоновичга нисбатан 1-1512-2201/279-сонли жиноят ишини кўриб чиқди. Иш ҳужжатларига кўра:

Фозилов Махмутжон Махаммаджонович (Fozilov Maxmutjon Maxammadjonovich), 1970 йил 13 мартда Охунбобоев (ҳозирги Қўштепа) туманида туғилган, ўзбек, Ўзбекистон фуқароси, маълумоти ўрта, оиласидан ажрашган, судланмаган, Тошлоқ тумани, Садда маҳалла фуқаролар йиғини, Садда кўчаси, 12-уйда яшайди, иш бўйича муносиб хулқ атворда бўлиш ҳақида тилхат” эҳтиёт чораси қўлланилган, айблов хулосаси нусхасини муддатида олган,

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 270-моддаси 1-қисми ва 276-моддаси 2-қисми “а” банди билан айбланган.

Суд, судланувчининг кўрсатувларини тинглаб, жиноят иши ҳужжатларини ўрганиб чиқиб ва ишда мавжуд бўлган далилларга баҳо бериб, қуйидагиларни

А Н И Қ Л А Д И :

Судланувчи М.Фозилов 2021 йил ёз ойида Тошлоқ тумани, Садда маҳалла фуқаролар йиғини, Садда кўчасида жойлашган яшаш хонадонидан қаровсиз ҳолда ўсиб турган ёввойи наша ўсимликлари барглardan териб олиб, яшаш уйида қонунга хилоф равишда сақлаб келган.

2022 йил 22 февраль куни Марғилон шаҳар, Б.Марғилоний кўчасида кетаётган вақтида Марғилон шаҳар ИИБ ходимлари томонидан тўхтатилиб, уни ёни холислар иштирокида кўздан кечирилганида, уни шимини орқа ўнг чўнтагидан қоғоз ўрамда “Марихуана” гиёҳвандлик ўсимликлари аниқланган ҳамда холислар иштирокида ашёвий далил тариқасида олинган.

Бундан ташқари, ИИБ ходимлари томонидан тадбир давом эттирилиб, М.Фозиловнинг яшаш хонадони холислар иштирокида кўздан кечирилганда, хонадоннинг айвони остида қора рангли елим идишга қуритилган ҳолдаги “Марихуана” гиёҳвандлик ўсимликларига ўхшаш ўсимликлар сақлаб келаётгани аниқланиб, холислар иштирокида ашёвий далил тариқасида олинган.

Судга оид кимёвий экспертизасининг 2022 йил 24 февралдаги 144-сонли хулосасига кўра, М.Фозиловнинг ёнидан ашёвий далил тариқасида олинган яшил рангли, қуритилган ҳолдаги ўзига хос ҳидга эга бўлган моддалар



таркибида фаол гиёҳванд модда тетрагидроканнабинол мавжудлиги, бу “Марихуана” деб аталувчи гиёҳванд воситалар туркумига кириши, соф оғирлиги 1,01 граммни ташкил этиши;

- шу кунги 145-сонли хулосасига кўра, М.Фозиловнинг яшаш хонадонидан ашёвий далил тариқасида олинган яшил-сарғиш рангли, куритилган ҳолдаги ўзига хос ҳидга эга бўлган моддалар таркибида фаол гиёҳванд модда тетрагидроканнабинол мавжудлиги, бу “Марихуана” деб аталувчи гиёҳванд воситалар туркумига кириши, соф оғирлиги 86 граммни ташкил этиши кўрсатилган.

Республика Ихтисослаштирилган наркологик илмий амалий тиббиёт марказининг Фарғона вилояти филиалининг 2022 йил 26 апрелдаги 183-сонли далолатномасига кўра, М.Фозиловда “Наркомания наша” наркологик касаллиги аниқлангани ва мажбурий даволанишга муҳтож деб топилгани кўрсатилган.

Судланувчи М.Фозилов суд мажлисида, ўзига эълон қилинган айбловга тўлиқ иқрорлик билдириб, ҳақиқатдан ҳам 2021 йил ёз ойида, яшаш хонадонидан қаровсиз ҳолатда ўсиб чиққан ёввойи наша ўсимликлари баргларидан териб олиб, куришиб, сиқиб, майдалаб, мум шаклига келтириб, яшаш уйида истеъмоли учун сақлаб келгани, 2022 йил 22 февраль куни шахсий ишлари билан Марғилон шаҳар, Б.Марғилоний кўчасидаги “Робия хожи она” жоме масжиди олдида кетаётганда, ёнига ИИБ ходимлари келишиб, уни тўхтатиб, ёнини холислар иштирокида кўздан кечиришгани ва уни шимини орқа ўнг чўнтагида қоғоз ўрамда бўлган “Марихуана” гиёҳвандлик ўсимликларини топиб олишгани, шундан сўнг унга яна олдида ёки яшаш уйида гиёҳвандлик воситаси бор-йўқлигини сўрашганда, уларни уйига олиб бориб, истеъмоли учун айвони остида қора елим идишда сақлаб келаётган гиёҳвандлик воситаларини ўз ихтиёри билан тақдим қилгани, ходимлар уларни холислар иштирокида тегишли ҳужжатлар расмийлаштириб, ашёвий далил тариқасида олишгани, ушбу гиёҳвандлик воситаларидан оила аъзоларини хабари бўлмагани, гиёҳвандлик воситаларини сотиш ёки бирон кишига бериш мақсади бўлмагани, у яшаш хонадонидан гиёҳвандлик ўсимлигини экиб парваришламагани, улар қаровсиз ҳолда чиқиб қолганини кўриб, истеъмоли учун юлиб олгани, ҳозирда қилган ишидан каттиқ пушаймонлиги, ўзига тегишли хулоса чиқариб олгани, келгусида бошқа бундай ҳолатларни такрорламаслигини маълум қилиб, суддан ўзига нисбатан қонун доирасида енгиллик беришни сўраб, кўрсатув берди.

Судланувчи М.Фозилов ўзига эълон қилинган айбловга тўлиқ иқрор бўлса-да, унинг юқоридаги жиноятни содир этганликдаги айби суд мажлисида текширилган ва жиноят ишида мавжуд қуйидаги далиллар билан тасдиқланади, жумладан :

- судда тарафларнинг розилиги билан кўрсатувлари ўқиб эшиттирилган гувоҳ Ш.Рахимовнинг терговдаги кўрсатуви;

- шунингдек, далилий ашёни олиш ҳақида баённома (и.в.6-10), суд-кимёвий экспертизасининг хулосаси (и.в.22-27), тинтув баённомаси (и.в.39) ҳамда жиноят ишидаги бошқа далиллар йиғиндиси билан тўлиқ тасдиғини топади.



Ўзбекистон Республикаси Олий суд Пленумининг 2017 йил 28 апрелдаги “Гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддалар билан қонунга хилоф равишда муомала қилишга оид жиноят ишлари бўйича суд амалиёти тўғрисида”ги 12-сонли қарорининг 6-бандида, гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддаларни қонунга хилоф равишда сақлаш деганда, шахснинг бундай восита ва моддаларга қонунга зид равишда эгаллик қилиши (шу жумладан шахсан истеъмоли) билан боғлиқ қасддан содир этилган ҳаракатлари (ёнида, бинода, махфий ер ва бошқа жойларда сақлаши) тушунилиши лозимлиги, бунда шахс қанча вақт давомида гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддаларни қонунга хилоф равишда сақлаганлиги аҳамият касб этмаслиги тўғрисида раҳбарий тушунтириш берилган.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 270-моддаси 1-қисмида, тақиқланган экинларни, яъни кўкнор ёки мойли кўкнор, каннабис ўсимлиги ёхуд таркибида гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддалар бўлган экинларни қонунга хилоф равишда экиш ёки етиштирганлик учун жиноий жавобгарлик белгиланган.

Қонун мазмунига кўра, экиш – таркибида гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддалар бўлган кўкнор, мойли кўкнор, каннабис ўсимлиги уруғини қонунга хилоф равишда сепиш ва ўстиришдир.

Тақиқланган экинларни етиштириш деганда, экилган вақтдан бошлаб, пишиш босқичигача бўлган давр ичида уларни парвариш қилишни (суғориш, чопиқ қилиш, ўғитлаш ва ҳоказоларни) керак.

Ишдаги тўпланган ҳужжатлар ва судда аниқланган ҳамда текширилиб баҳоланган далиллар мажмуи судланувчи М.Фозилов ёнидан аниқланган ва яшаш хонадонида сақлаган гиёҳвандлик воситаларини экиб, етиштирганлигини тасдиқловчи ишда бирон-бир объектив, мақбул ва ишончга сазовор далиллар аниқланмади. Суд муҳокамаси жараёнида ҳам бундай далилларни тўплаш имкони бўлмади.

Хусусан, судланувчи М.Фозилов наркология далолатномасининг 2022 йил 26 апрелдаги 183-сонли хулосасига кўра, “Наркомания наша” наркологик касаллиги билан касаллангани аниқланган.

Шунингдек, судланувчи М.Фозилов судда, яшаш хонадонида гиёҳвандлик ўсимлигини экиб парваришламагани, улар қаровсиз ҳолда чиқиб қолганини кўриб, истеъмоли учун юлиб олганини билдириб ўтган.

Юқоридаги асосларга кўра суд, судланувчи М.Фозиловни жиноий ҳаракатларидан 270-моддаси 1-қисмини чиқаришни лозим топади.

Суд, судланувчи М.Фозиловнинг кўп миқдордаги, яъни 87.01 грамм “марихуана” гиёҳвандлик воситасини ўтказиш мақсадини кўзламай, қонунга хилоф равишда тайёрлаб, ташиб, сақлаб келганликда ифодаланган жиноий ҳаракати дастлабки тергов органи томонидан Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси 276-моддаси 2-қисми “а” банди билан тўғри квалификация қилинган деб ҳисоблайди.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2006 йил 3 февралдаги “Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида”ги қарорининг 3-бандида, Жиноят кодексининг 8,54-моддалари



мазмунига кўра, жазо адолатли бўлиши – ҳар бир ҳолатда индивидуал тайинланиши, жиноятнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражасига, айбдорнинг шахсига, шунингдек жазони енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатларга мувофиқ бўлиши кераклиги, 5-қисмида, судлар ижтимоий хавфи катта бўлмаган, шунингдек унча оғир бўлмаган жиноятларни содир этишда айбдор деб топилган ва жамиятдан ажратмаган ҳолда ахлоқан тузатилиши мумкин бўлган шахсларга нисбатан озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган жазолар тайинлаш учун қонунда мавжуд барча имкониятлардан тўлиқ фойдаланишлари кераклиги ҳақида раҳбарий тушунтиришлар берилган.

Ўзбекистон Республикаси ЖПК 455-моддасига кўра, ҳукм айбдорга нисбатан жазо чораси у содир этган жиноятнинг ижтимоий хавфлилик даражаси ва унинг шахсини эътиборга олиниб тайинланган бўлса адолатли деб эътироф этилади.

Суд, судланувчи М.Фозиловга жазо тури ва унинг миқдорини тайинлашда, юқоридаги Пленум қарори тушунтиришларига амал қилиб, Жиноят кодекси 56-моддасида белгиланган жазони оғирлаштирувчи ҳолатлар йўқлигини, Жиноят кодекси 55-моддасига асосан муқаддам судланмаганлигини, қилмишидан чин кўнгилдан пушаймонлигини ва оилада ягона боқувчи эканлигини жазони енгиллаштирувчи ҳолатлар деб топиб, унга нисбатан у содир этган жиноят учун жазо санкциясида кўрсатилган озодликни чеклаш жазоси тайинлашни, иш бўйича ашъвий далил тариқасида олиниб, экспертиза жараёнида сарфланганидан қолган, ДХХ Фарғона вилоят бошқармасига №00621-сонли қвитанция асосида топширилган 85,9 грамм “Марихуана” гиёҳвандлик воситасини йўқ қилишни лозим топади.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 454-457, 460, 463, 465-468, 471, 473-моддаларига амал қилиб, суд

Ҳ У К М Қ И Л Д И:

Судланувчи Фозилов Махмутжон Махаммаджонович Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси 276-моддаси 2-қисми “а” банди билан айбдор деб топилсин.

М.Фозиловга Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси 276-моддаси 2-қисми “а” банди билан яшаш жойини у ёки бу сабаб билан сутканинг соат 20⁰⁰ дан 8⁰⁰ га қадар чиқишни чеклашдан иборат 4 (тўрт) йил озодликни чеклаш жазоси тайинлансин.

М.Фозиловга қуйидаги кўшимча тақиқлар (чеклашлар) юклансин:

- маҳкумни назорат қилувчи органнинг розилигисиз яшаш жойини ўзгартирмаслик;
- муайян жойларга (кафе, бар, ресторан, тунги клубларга) бормаслик;
- алкоғолли ичимликлар истеъмол қилмаслик.

Жазо ўташ муддати маҳкум жазони ижро этиш инспекциясида ҳисобга кўйилган кундан бошлаб ҳисоблансин.

Жазони ижро этиш Тошлоқ тумани ИИБ Пробация гуруҳига юклатилсин.



Озодликни чеклаш жазосини ўташ манзили Тошлоқ тумани, “Садда” маҳалла фуқаролар йиғини, Садда кўчаси, 12-уй этиб белгилансин.

М.Фозиловга Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 48¹-моддаси талаби, яъни ўрнатилган тақиқлар (чекловлар)ни бузган тақдирда, унга нисбатан қўлланилган жазо бошқа оғирроқ турдаги жазога алмаштирилиши мумкинлиги тўғрисида огоҳлантирилсин.

М.Фозиловга нисбатан қўлланилган “муносиб хулқ атворда бўлиш ҳақида тилхат” тарзидаги эҳтиёт чораси суд ҳукми қонуний кучга кирганидан сўнг бекор қилинсин.

Иш бўйича ашъвий далил тариқасида олиниб, ДХХ Фарғона вилоят бошқармасига №00621-сонли қвитанция асосида топширилган 85,9 грамм “Марихуана” гиёҳвандлик воситаси йўқ қилинсин.

Ҳукмдан норози тарафлар ҳукм эълон қилинган кундан бошлаб, судланувчи ҳукм нусхасини олгандан сўнг йигирма сутка муддат ичида шу суд орқали Фарғона вилоят судига апелляция тартибида протест ёки шикоят келтириш ҳуқуқига эгадирлар.

Раислик қилувчи

Ш.Каримов

Маъсул судья: Каримов Шукуржон Каримович

